

# 4.850.000 тонна тайёр!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



## СССР СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН 14 ноябрь 1973 йил, чоршанба № 267 (15.741). Баҳос 2 тийин.

### ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ КАТТА МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети зўр мамуният билан маълум қилдики, республика қишлоқ хўжалиқ меҳнатчилари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани авж олдириб, пахтадан мўл ҳосил етиштирилди ҳамда социалистик мажбуриятларини бажардилар. Пахтакорлар пахтакор республикалар партия-хўжалиқ активининг Тошкентдаги йиғилишида КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневга берган ваздаларини шараф билан адо этдилар. Ватан 4 миллион 850 минг тонна — халқ хўжалиқ реалларида кўзда тутилганга нисбатан 405 минг тонна кўп ва бутун 1972 йилдаги нисбатан 140 минг тонна кўп Ўзбекистон «оқ олтин»нинг олди. Топширилган пахтанинг 90 проценти биринчи навларга қабул қилинди. 184 минг тонна ингичка толали пахта топширилди.

Ўзбекистоннинг улкан пахта хирмонида Қорақалпоғистон АССР ва республика барча областларининг пахтакорлари мусобақа ҳисса қўйдилар. Давлатга Андижон области хўжалиқлари 588 минг тонна, Сирдарё областининг хўжалиқлари 560 минг тонна, Фарғона областининг хўжалиқлари 542 минг тонна, Самарқанд областининг хўжалиқлари 483 минг тонна, Сурхондарё областининг хўжалиқлари 438 минг тонна, Наманган областининг хўжалиқлари 418 минг тонна, Тошкент областининг хўжалиқлари 416 минг тонна, Бухоро областининг хўжалиқлари 394 минг тонна, Хоразм областининг хўжалиқлари 372 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР хўжалиқлари 323 минг тонна, Қашқадарё областининг хўжалиқлари 316 минг тонна пахта сотдилар.

Бу йил пахтадан фақат энг кўп ялпи ҳосил олинмигана қолмай, шу билан бирга ҳосилдорлик ҳам республика пахтачилигининг бутун тарихида энг юқори даражада бўлди. 1 миллион 683 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 28,8 центнердан пахта олинди.

Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм областларининг ҳамда республикадаги 46 районнинг пахтакорлари гектар бошига 30 центнердан ошириб ҳосил олишга эришдилар, 16 район хўжалиқлари эса ҳосилдорлигини 35-40 центнерга етказдилар. Оқўғор районининг хўжалиқлари гектар бошига 35 центнер ҳосил олдиди. Давлатга 100 минг тоннадан кўпроқ пахта сотдилар. Ленин, Жарўғорон, Сарисоёқ, Янгиарик, Богот, Денис, Шўрчи, Тўртқул, Пахтачи районларининг қоллоқлари ва совхозлари экин майдонларининг ҳар гектаридан 38-40 центнерга етказиб пахта олдидилар. Республикада деҳқончилик маданиятини юксалтириш, сугориладиган ерлардан самарали фойдаланиш, илмий жиҳаддан асосланган пахта-беда алмашлаб экишни ўзлаштириш, гўзанинг вилта чидамли янги навларини жорий этиш борисида катта иш қилинганлиги натижасида мўл ҳосил олишга муваффақ бўлинди. Минерал ўғитлардан,

гербицидлардан ва бошқа зимийвий воситалардан фойдаланиш анча яхшиланди. Республика механизаторлари ақойиб ғалабага эришдилар. Улар 2 миллион 660 минг тоннадан кўпроқ пахта, яъни жамиқ ҳосилнинг 55 проценти машиналарда териб бериб, ўз мажбуриятларини анча ошириб бажардилар ва ишлатилган ҳар бир пахта териш машинисидан ўрта ҳисобда 100 тоннага етказиб пахта теришни таъминладилар. Хўжалиқ техника билан яхши таъминланганлиги, пахта териш техникасида моҳирлик билан фойдаланилганлиги, механизаторларнинг фидокорона меҳнат қилганлиги ҳосилни қисқа муддатларда териб олишни ва пахта тайёрлаш суръатларини тезлаштириш таъминлади. Терилнинг қизғин палласида кунинга ўрта ҳисобда 140-145 минг тоннадан экинлик планининг уч проценти миқдоридан зиёд-роқ пахта топшириб турилди. Бу эса социалистик мажбуриятларни бажаришда эришилган муваффақиятнинг негизи бўлди. Пахта ингим-теримини механизациялаш даражасини Сирдарё области хўжалиқлари 80 проценти, Тошкент области хўжалиқлари 70 проценти, Наманган области хўжалиқлари 62 проценти етказдилар.

Учқўғорон, Дўстлик, Оқ олтин, Ильич, Октябрь, Мирзақул, Пахтакор районларида пахта териш машиналари бункерларидан хирмонга тўкилган пахтанинг салмоғи терилган жамиқ пахтанинг 90 проценти ва ундан ҳам кўпроғини ташкил этди. Задарё ва Бўз районлари механизациялашнинг юксак даражасига эришдилар, кўпгина қоллоқлар ва совхозлар эса етиштирилган пахта ҳосилнинг ҳаммасини машиналарда териб олдидилар.

Мадақали механик-ҳайдовчиларнинг катта армияси ўсиб етишди, улар меҳнат намуналарини кўрсатдилар. Минг-миңглаб механик-ҳайдовчилар мавсумда 300-500 тонна ва ундан ҳам кўпроқ пахта териб беришга муваффақ бўлдилар. Булар орасида Аҳмад Валиев, Сервер Усенов, Жиянкул Рустамов, Чиниқол Худоброва, Абдусаттор Курбонов, Светлана Продан, Обиджон Акбаров, Кувондиқ Абдуразоқов, Бобошер Шавқиев, Зухра Ҳасанова, Сервер Алиев, Қомиль Жуманбоев, Тулган Дадажонов, Қозоқ Қамолов ва бошқа жуда кўп механик-ҳайдовчилар бор.

Эришилган муваффақият — пахтачиликни тўхтовсиз ривожлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг доимий тамхурилик қилиб, катта ердан бериб турганликларининг, пахтакорлар юксак маҳорат кўрсатиб қаҳрамонона меҳнат қилганлигининг, республиканинг партия, совет, касба союзи, комсомол ташкилотлари, қишлоқ хўжалиқ, сув хўжалиқ ва тайёрлаш органлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларининг натижаси бўлди.

Пахтакор республикалар партия-хўжалиқ активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштироки билан КПСС Марказий Комитети томонидан қаъриланган йиғилиши

бу йилги муваффақиятни кўлга киритишда жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг пахтакорлар меҳнатига юксак баҳо берганлиги, унинг актив қишлоқда ва Халқлар дўстлиги орденини республикага топшириш чоғида берган маслаҳатлари ва кўрсатмалари меҳнат қўлга киритишга баракели таъсир ўтказди.

Республика қишлоқ хўжалиқ меҳнатчилари машиналар, минерал ўғитлар ва бошқа моддий-техника воситалари билан катта ердан бериб турган ишчилар синфи, мамлакатнинг барча меҳнат-қашлари ва қардош халқларига чин кўнгилдан ташаккур айтмоқдалар. Бундай ердан бўлмаса пахтакорлар ғалаба қозонмаган бўлар эдилар. Аватотранспорт ходимлари ва граждан авиациясининг учувчилари катта ҳисса қўйдилар. Пахта тозалаш заводларининг ва тайёрлаш пунктларининг коллективлари пахтачи қабул қилиш, сеплаш ва кайта ишлаш борисида ўз ишларини пухта ташкил этдилар. Шаҳарлар ва посёлкаларнинг меҳнат-қашлари, студентлар ва ўқувчилар пахтачи териб олишга катта ердан бериб бердилар.


Республика мажбуриятини бажарди. Пахта даладорининг меҳнатчиларига ва уларнинг ғалабани кўлга киритишларига ерданлашларнинг ҳаммасига минг раҳмат. Аммо, даладорларда ҳали пахта кўп. Халқ хўжалиқи учун жуда қимматли бўлган бу хом ашёни етиштиришга пахтакорларнинг жуда кўп меҳнати сарфланган. Қолган пахтанинг ҳаммаси Батумом териб олиниб, Ватан оғиборига топширилсин зарур.

Пахтакорлар меҳнат ғайратини сусайтирмай, кўшимча мажбуриятлар ҳисобига пахта топшириш учун қурбандликларига қўйил қолса арзийди. Қорақалпоғистон АССР пахтакорлари 27 минг тонна, Андижон области пахтакорлари 13 минг тонна, Бухоро области пахтакорлари 11 минг тонна, Қашқадарё области пахтакорлари 10 минг тонна, Наманган области пахтакорлари 17 минг тонна, Самарқанд области пахтакорлари 18 минг тонна, Сурхондарё области пахтакорлари 12 минг тонна, Сирдарё области пахтакорлари 10 минг тонна, Тошкент области пахтакорлари 9 минг тонна, Хоразм области пахтакорлари 24 минг тонна пахта топшириш тўғрисида қўшимча мажбурият олдидилар.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети катъий ишон билдириб айтидиларки, партия, касба союзи, комсомол, совет ва қишлоқ хўжалиқ органлари, барча қишлоқ меҳнатчилари етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини йиғиб-териб олиш учун, қишлоқ хўжалиқ йилини муваффақиятлик тамомлаш, кузги-қишқи тадбирларни ва қорва қишлоқини намунали ўтказиш учун, келгуси йилда тагин ҳам қатъероқ натижаларга эришиш учун барча зарур чораларни қиридилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Пахта халқимизнинг улкан бойлиги, чексиз йўлқори. Суратда: сиз кўриб турган бу оқ чўчиқлар ана шу ватанларбар деҳқонларимизнинг қалб-қури, меҳр-муҳаббати билан бунда этилди.

#### ЎРТОҚ А. Н. КОСИГНИ БЕЛОРУССИЯДА

МИНСК, 12 ноябрь. (ТАСС). Беларуссияга келган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси ўртоқ А. Н. Косигни бугун республика халқ хўжалиғи ютуқлари ташвиқотида, Минскдаги янги ўй-жой массивида бўлди. Жодина шаҳридаги Беларуссия автомобиль заводини бориб кўрди.

Шу кун А. Н. Косигни шоншараф кўргончи ва Хатинь мемориаль комплексини зиёрат қилиб, гулдасталар қўйди. У Совет Армиясининг Ватанин немис-фашист босқинчилардан озод қилиш учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган жангчилари ва Беларуссия партизанлари ёдгорлик — лавҳасига ҳам гулдамбар қўйди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзосидаги келган Беларуссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров, БССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ф. А. Сурганов, БССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Биселев А. Н. Косигни билан бирга бўлдилар.

#### ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ А. П. Кирилениннинг «Октябрь» иши партия ва халқ бунёдкорлигида яшамокда» деган доклады текстини алоҳида брощурга қилиб ўзбек тилида босмадан чиқарди. Ўртоқ А. П. Кириленин Улуг Октябрь социалистик революциясининг 56 йиллиғига бағишлаб 1973 йил 6 ноябрда Кремлиннинг Сўздалар саройида ўтказилган тантанали мажлисида шу ҳақда доклад қилган эди. Брощура кўп нусхада нашр этилди. (ЎзТАП).

#### Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ҲИДИСТОНГА ҚИЛАДИ-ГАН ВИЗИТГА ДОЙР

Илгари келишиб олинганга мувофиқ, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Л. И. Брежнев шу йил 26 ноябрдан 30 ноябргача расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга боради.

### КАРВОН БОРАДИ

Ғалебининг тонгини қўшиқ билан қутамам, Шеърининг атир гулда гуначасини тутаман. Бирга бўлдиқ кунма-кун, соатма-соат, дўстлар, Шу сабабдан шоир ҳам пахтакордай соврунми! Пахтачининг қардошлар «оқ олтин», зар дейдилар, Пахтакорини заршунос, уста заргар дейдилар. Кўёш-ку ўз қалбаиди ловилганга аланга, Шу кўёш уммонини пахтакейнар дейдилар. Улкан ҳосил гурури сиймайди юрагимга, Қувонаман етгандан ораумга, тилангига, Қувонаман Советлар Ватани кучоғида Бувоқ меҳнат жангида элимга керагимга. Фаҳрини шулки, қараюнда меннинг ҳам ҳиссам бордир, Пахтачининг оқ гулда нафасим, бўсам бордир, «Оқ олтиндан эсалган нурдай оппоқ қорюда Пахтакорларга ёзган ғазалим, қиссам бордир. «Дўст йўлда синалади» деган ҳикмат ўринли, Пахтазор ҳам катта йўл, завқ—сафоли, гурунли. Бирга бўлдиқ кунма-кун, соатма-соат, дўстлар, Шу сабабдан шоир ҳам пахтакордай соврунми! Республика — бу, озоқ инсонлар дийрибдир, Коммунистик ҳамкорлик улар иктирибдир, «Сен-мен» деган гап битган. «Сен-мен», «Мен-сен!» — шоир шу! Дўст байрами дўстларининг бахтидир, баҳоридир. Қувонаман шу дийр Ватаним қўлганидан, Унда юз миллат, халқининг иқболи қулганидан, Қувонаман меҳнатнинг энг доғлар қуларида Азиз ўртоқ Брежнев юртимга келганидан. Азим қарвон боради олтин пахтачесин ортиб, Ўзбекистон пахтаси — бутун башарга тортиқ, Довон оша манзил бу! — Хилпирган байроқлар Ғолибларга Советлар Ватани берган ерлик!

## СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ—АБАДИЙ! СОВЕТ—ЮГОСЛАВИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

12 ноябрда Киевда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан Югославия Социалистик Федератив Республикаси Президенти, Югославия Коммунистик союзи Раиси Иосип Броз Тито ўртасида музокаралар бошланди. Самимий, дўстона ва янада ўтаган музокаралар давомида Совет — Югославия муно-

сабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш масалалари, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтирган халқаро проблемалар муҳофиза қилинмоқда. Музокарада қуйидагилар қатнашмоқдалар: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташки-

ратларининг ерданчиси К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССРнинг ЮСФРдаги элчиси В. И. Степанов; Югославия томонидан — Югославия Коммунистик союзи Президенти, Икрийа бюросининг секретари С. С. Доланц, Иттифоқ Икрийа нечаси раисининг ўринбосари ЮСФР ташкиратларининг секретари М. Минич, Сербия Коммунистик союзи Раиси Т. Влашкили, ЮСФРнинг СССРдаги элчиси М. Пеня. (ТАСС).

12 ноябрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Президенти, Югославия Коммунистик союзи Раиси Иосип Броз Тито ва унинг рафиқаси шарафига Мариа саройида зиёфат берди.

### Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Ҳурматли ўртоқ Тито! Ҳурматли ўртоқ Пования Броз! Азиз ўртоқлар! Совет Иттифоқига қилган янги визитингиздан сиз қилган хурсандчилик, ҳар бир мана шундай учруш — ҳоқ бизнинг мийлақатимизда, бўйсиз, хоқ Югославияда бўйсиз — даммиша партияларимиз ва мамлакатларимиз ҳар томонлама алоқаларини ривожлантиришда муҳим қўлдам бўлишига, Совет — Югославия дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим қўлдам бўлишига аввалги таъриҳимиз бизни ишонтиради. Айниқса келинги Илларда бир қанча учрашулар давомида Сиз билан биз, Совет — Югославия ҳамкорлиги доирасини кенгайтиришда доимо иштида бердик. Унинг мийқеб ва кўдимиш тобора кучайтира берди. Бу ердаги, Совет — Украинанинги похтачи — Киевдаги дўстона музокараларимиз ана шу ақолиб ағзаланиб яхши давом бўлиб келмоқда. Қилишига шўбхам бўлсин! 1955 ва 1956 йиллардаги Белград ва Москва дўстларининг 1971-йилги Совет — Югославия баёғоти, 1972 йилда қабул қилинган қўшимча ақбарот — муносабатларимизни ўқувчан ривожлантиришга хоқ бўлган учунчмас боёғчиларимиз. Ҳамкорлигининг ҳоқорги юксак даражаси — биз билан Сиз, ўртоқ Тито, ўртанида ўтказилган самимий ўртоқларча суҳбатларининг натижаларини ҳам ифодалади. Ҳозир ҳамма соҳаларда — сиесада, экономикада, маданият соҳасида алоқаларимиз кўпайиб бораётганлигини ва энг муҳими биргаликда ана шу дўстона ишнинг самаралари кўпайиб бораётганлигини мамуният билан таъйиқлайман. Совет — Югославия муносабат-


лари муваффақиятли равишда ривожланиб бормоқда. Совет Иттифоқи билан Югославия қардош халқларининг ҳамкорлигини янада кўзга келтиришнинг яхши истинболларини кўриб турганлигимизни ҳам таъйиқлайди ўтқиқчман. Биз Совет — Югославия дўстлигини, унинг келажакига ишонимиз ва бу дўстлигини самарали ривожлантириш учун зимийамиздаги зарур масъулиятни яхши ағлаб турибмиз.

Биз дўстона, интернационалистик алоқаларимизни ривожлантиришда дада тартиқли таъминлаб бораётган омиллар тўғрисида ўйланганимизда партияларимизнинг олди есибатиини бўрттириб кўрсатишимиз, Марказий Комитетларимиз, ҳукумат ва давлат органларимиз, минг-миңглаб кишиларимизнинг кўи сайин олиб бораётган жуда катта иши тўғрисида таъйиқчимиз лозим. Ўртоқ Тито Совет — Югославия дўстлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга катта ҳисса қўлганлигини ҳамма эътироф қилган, бинобарин, бутун биз ўртоқ Титонинг таъйиқлаш билан айни бир ватанда унинг сиймосида Югославиядаги социалистик қурилишга пешқадамлик қилаётган югослав коммунистларини ҳам таъйиқлаймиз, биз югослав халқини, унинг ақолиб ишчилар синфини, меҳнатниш деҳқонларини, халқ эиелларини таъйиқлаймиз, югославиялик барча хўшларимизни таъйиқлаймиз. (Давомли қарсақлар). (Давоми 2-бетда).









# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30—

МОСКВА. 12.35 — Янгиларнинг. 12.45 — «Моҳир кўлар». 13.15 — Республика мулк (бадий фильмнинг 1-серияси). 14.20 — Совет характери. 15.20 — «Майнур» болалар ансамблининг концерти. 15.45 — Хужжатли фильм. 16.00 — Экув кўрсатувлари. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Ҳувишлар учун кўрсатув. 19.00 — Ахборот. 19.15 — Агар сен ҳақ бўсанг (бадий фильм). 20.55 — Кишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 20.20 — Концерт. 22.00 — МОСКВА. «Варт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Чашма» (газетарий кўрсатув). ИККИНЧИ ПРОГРАММА 11.00 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 12.00 — Телефильм. 16.50 — МОСКВА. 16.55 — Янгилар. 17.30 — Телефильм. 18.30 — Ўзингиз кўра. 19.00 — Операда ширинларини. 19.30 — Телевизион очерк. 20.00 — М. Горький. «Егор Буличев ва бошқалар». (спектакль). 22.00 — Хужжатли фильм. 22.30 — «Егор Буличев ва бошқалар» (спектакльнинг давоми). 23.15 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгилари. 19.15 — Хужжатли фильм. 19.30 — Экув кўрсатувлари. 20.40 — Илгир чор. вадорлар даврасида. 21.00 — Концерт. 21.30 — Мен — чегара (бадий фильм).

ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/ХI да Ўшнинг 69-са. 15/ХI да Ташкент, 16/ХI да Ташкентнинг онамон.

## КИНО

Кум карьерни генераллари — САНЪАТ САРОНИ (кудуз ва кечкўрун), «ЧАЙКА» (куфт соатларда). Талантлар ва мухлислар — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (куфт соатларда). Одий кинийдаги ишчи — С. РА. ХИМОВ номли (кудуз ва кечкўрун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда). Буғулар ортда осмон — «ВОС. ТОК», «МОСКВА» (кудуз ва кечкўрун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (куфт соатларда). Озодин нақадар наъзами сўз (3 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кудуз ва кечкўрун). «Холжауге» операцияси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда). Муҳаббат ривисати — (Ўзбек тилида) — НАВОИЙ номли (кудуз ва кечкўрун). Жоулар — ХАМЗА номли (кудуз ва кечкўрун). Сайха — Е. ГИЛОМ номли (кудуз ва кечкўрун).

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 14/ХI да Ошнинг 69-са. 15/ХI да Чо-чо-сан. ХАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/ХI да Самандар. 15/ХI да Ян-нолган узук. МУКМИНИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 14/ХI да Ужурлар. 15/ХI да Замонали ва Омонали. 16/ХI да Се. ынганлар хисоби. ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ»

ТОШКЕНТ МАДАНИЙ-ОҚУВ ТЕХНИКУМИ сирти бўлимига кутубхона-информатсионлик бўлимига (Ўзбек ва рус гуруҳлари; ўрта маълумотга ога бўлганлар) КУШИМЧА УҚУВЧИЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ Ушун мuddати — 2 йил. КИРУВЧИЛАР 1 декабрдан — 10 декабрга кундаги фанлардан имтиҳон топирадлар: она тили ва адабиети (ишпо) ва СССР тарихи (ога-ки). ХУЖНАТЛАР — 30 ноябрга қабул қилинадлар. Муронав учун адрес: Тош. кент-95, Чингизий кўчаси, Чин-бой провади, 97-й (28, 34, 49, 76, 100-автобуслар; 7-трамвай, 8-троллейбуснинг «Студентлар шаҳарчаси» бекати).

# АХБОРОТ

ШАХРИСАБЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

## ОБИДАЛАР ТИКЛАНМОҚДА

Утган йил Шахрисабз шаҳри туристлар шаҳри деб эълон қилинди. Бугунги кунда халқимизнинг ўлка санъатидан шохидлик берувчи обидаларни реставрация қилиш ааж оlib кетди. XVII аср ёдгорлиги — «Бир» аяктлар тажжум савдо маркази бўлган Чорсу давлати кибфасига келатди. Бу иш келгуси йил тугаланади. Шунингдек, шаҳардаги Кўк гўмбаз, Жақонгир мадрасалари реставрация қилинаётди. Бу ишларни Самарканд ишлаб чиқариш илмий реставрация махсус устaxonаси Р. Нўмонов бошлиқ бригадаси қўлловчи амалга оширмоқда. Тошкент илмий ишлаб чиқариш реставрация махсус устaxonаси экспедицияси аъзолари Жақонгир мадрасаси билан Амир Темури хонақосида қидирув-қазими ишлари олиб бораётди. Дастлабки археологик кашфиётлар бу хонақо етродига бир қанча ерости йўллари бўлгани ва у ерларда мақбаралар қад кўтариб турганини кўрсатмоқда.

## ДУЛАНА КОНСЕРВА

Шаҳардаги йирки корхоналардан бири — консерва заводи бу йил биринчи марта дуланадан консерва ишлаб чиқара бошлади. Корхона коллективи йил охирига ча дуланадан 60 минг банка коммолти ва маринадди консерва ишлаб чиқаришга аҳд қилди. За-водда тайёрланаётган махсулотлар 30 хилдан ошди. Бу корхонада яна аъзур пиези-дан ҳам консерва тайёрланади. За-вод коллективи 32 килограм аъзур пиези уруғи тўплади. Бу йил 100 гектар майдонга аъзур пиези экилади.

## ЧИҚИДИДАН МАХСУЛОТ

Шаҳар гўшт комбинати коллектив обласда биринчи бўлиб гўшт чиқиндиларидан ярим фабрик махсулот ишлаб чиқара бошлади. Корхонада янгидан ишга туширилган озуқа тайёрлаш цехи дастлабки витаминли махсулотларни қолхозларга, инкубатор станцияларга ва қолхозларга бурдончилик фермасига жўнатди.

Б. НОМЗОВ.

## БОЛАЛАРИНГИЗГА УҚИВ БЕРИНГ

## ЭТИК

— Оқинқоним, оқинқон, Патхазорга бир бора. — Майлига қаддим Кичкинада, ўргилай. Кички бўса қадим, Этингиз қилма. Патхазорга етмақ сўнг, Сизга ечиб бераман.

## МЕХРИБОН

Энди бела бўлганди, Кўнчочини бешкига, Утқолари чакридди, Турғуноини шикди. Чопиб чиқиб айтарди, — Сизлар ўйнанг қозирча. Ҳеч қаерга бормаян, Кўнчочини турғичча.

## СУРАТ

Сичи кўриб ўрдақини Отақд истайдим. Урдақ бўлса овқидан Қочмоқ истайдим. Отақ деса овқининг Учи йўқ эди. Шунинг учун ўрдақнинг Кўнчиги тўқ эди. Қораб турар овқича Кўз узмай ўрдақ. Бу расмини чизган экан Алшар билсақ.

Озунжон ОЛИМОВ. Немаган.

Болгар журналисти-редакциямиз меҳмони

# ОКТАБРЬ ТОНГИДА



Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи — «Йени ишчи» газети редакцияси билан бизнинг газетамиз ўртасида бир неча йиллардан буюн дўстлик алоқалари ўрнатилган. Ҳар йили икки редакция вакиллари дўст мамлакатларда бўлиб, нардеш халқлар ҳаёти, коммунизм ва социализм курилишида эришган муваффақиятлари билан танишади. Ҳозир «Йени ишчи» газетасида партия турмуши бўлимининг мудири Иванка Лефтерова Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди. У Фаргона водийсида, Самарқанд ва Бухоро обласларида, Мирзачўлда бўлиб, маданий ёдгорликларни кўриб, икколхоз ва совхозларда бўлиб, меҳнат аҳлининг турмуши билан танишди. Бой таассуротлари ҳақида газетамиз саҳифаларида ҳамда ўзи ишлабтган газета саҳифаларида йўл хотираларини ёритмоқчи.

Иванка Лефтерова қарийб чоран асрдан буюн партия матбуотида хизмат қилиб келмоқда. Марксизм-ленинизм назарисини пронаган, да қилишдаги ҳамда халқ маорифини ривожлантиришдаги хизматлари учун икки марта «Кирилл ва Мефодий» ордени билан мукофотланган.

Куйида редакциямиз меҳмонининг она юртидан олиб келган биринчи мақоласини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Биринчи жаҳон уруши. Мана бир неча йилдинди, солдатлар ифлос ҳанданлардан бош кўтаришди. 1917 йилнинг февралда дун сўнг рус жаңгичиси «танчик» шпори билан чириди, бу сўз бутун фронт бўлиб ани садо берди.

Шимолга фронт. Бу ерда. Дунай соҳилида Түркия пиеда Перелслай дивизияси жойлашган. Россияда февраль революцияси галба қозонганиги түркиядаги хабар болгар солдатлари орасида жуда тез тарқалди. «Танчик» шпори уларнинг қалбидан кўнур жой олди. Шовинчилик равишда ёзилган варақалар ертўдаларга ва ханданларга бир зумдан тарқалди. «Жангичилар», «де-йилган эди бу варақаларда», — ортирларнинг буйруқларини бажарманлар! Улар ўз чўнтақларини ани билан тўлдирдиш учун урушнинг давом эттириши истамондилар! Командирларнинг ҳар қандай ани-пунисаларига қарамай, болгар жаңгичлари рус солдатлари билан тез-тез учраша бошлайдилар. Рус ва болгар жаңгичларининг ўртосларча учрашулариди ҳақидаги хабар омонларга яшши тейидада етиб боради.

«Виродлар» — деган ишчи сўз етиб келарди дарвининг бир соҳилида инсончи соҳилига, биз Дунай орқали отишиб ани сузлашганига қолмай, бир-биримизга бориб-келиб турганимиза ҳам келарди. Агар биз Дунайни сузиб ўтганимизда ани, синарлар ба-римишга борадими.

Рус армиясида танчик етилган солдат комитетлари болгар жаңгичларига Партия оролидан хабар юборадилар: «Биз ҳеч қачон болгарларга қарши урушмаймиз», 1917 йилнинг ноябри, Россияда

## ХАР ТҮҒРИДА

Музыка даволайди. Музыка оҳанглари бемор дардида шифо бера оларини! Ҳа. Поляшдаги Вроцлав давлат олий музыка мактабининг назария ва композиция кафедраси қошида музыка терапияси бўлими тузилди. Бу ерда тиббий илими соҳиблари билан яқин ҳамкорликда беморларни даволашга ердан берадими тадбирлар ишлаб чиқилди. Чунончи, руҳий ва асаб ҳас-таллигига дучор бўлган иншларнинг бир қисми музыка билан даволанадилар.

Осмондаги воқеа. Франциянинг Марселя шаҳри яқинида осмонда кутулмаган ҳо-дима юз берди. Француз учувчиси Пьер де Бонз бошқариб бора-ётган планерга натта бир бургут тўсатдан ҳужум қилиб юлди. Лекин учувчи бургутга чап бериш учун қўлидан келган ҳамма ишчи қилиб юрди. Бундан ниҳоятда ғазабланган бургут планерга қўнқисдан ҳужум қилди ва уни анча шикостлантирди. Лекин учувчи осмонда учраган кутулма-ган бу душман ҳужумидан осон-

Хаймиқлар, машинасоллар ва энергетиклар шаҳри бўлган нацирдин Чирчиқ Яилдан-йилга оёда ва кўркамлашиб борапти. Бу ерда янги-янги бинолар қад ростламоқда. Обод хўбонлар, разон йўллари, кўрнам ношонлар кўни қамаштиради. Суратда Чирчиқ шаҳрининг кўчаларидан бири.

М. Глауберзон фотоси.

## СПОРТ

### ХАБАРЛАР

#### КУЗГИ СПАРТАКИДА

Олимпиададаги В. И. Ленин номли комбинатдаги физкультурчилар сафи кенгайиб бормоқда. Бунинг натижасида таъин бўлган кузги спартакида лужу-лари ҳам кўрсатди. Металлурларнинг «Олтин куз» номи билан ўтказилган бу спартакидада 800 га яқин йигит-қиз иштирок этди. Спартакидада футбол ва волейбол мусобақалари оммавий тус олди. Штангачилар, сузда сузиш усталари, енгил атлетикачилар учрашуварларида ҳам яқин натижалар қайд қилинди. Спартакидада комбинатнинг мис эртаник заводи биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи элвирт станцияси номлида сининчи ўринни олди. Комбинатнинг темир йўл цехи, марказий ремонт механика заводи ҳам спортларда кўпайиб бормоқда. Бу ерда янги ГТО комплекси нормативларини топишиш қизғин давом этипти. Ҳозир 1582 йигит-қизининг қисмида ГТО нишонлари олаб турибди.

#### ЗОНАЛ УЧРАШУВЛАРГА ТУЛДАНМАЛАР

Республика мактаб ўқувчилари волейбол командаларининг турнири бўлди. Нукусада ўтган мусобақада Тошкентдаги 6-болалар спорт мактаби командаси ўсимирлар биринчи ўринни эгаллади. Қизлар Чирчиқ шаҳрида мусобақалашдилар. Тошкентлик динамо-чи қизлар бу ердаги учрашуварларнинг ҳаммасида голиблик қилдилар. Фарғона шаҳрида финалга чиқиш учун икки команда беллашди: Тошкент ва Фарғонанинг би баскетболчилари курашида маҳаллий «Буравестник» команди си 50-49 ҳисобида галаба қозонди.

#### КОМАНДАДА ОЛТИ ВАКИЛ

Меца спорт жамиятлари бўйича Тошкентда шашкилар мусобақаси бошланди. Республика спорт жамиятларининг бу мусобақада иштирок этаётган ҳар бир командада шашки бор. Халқаро шашки бўйича икки нафар, рус шашки си бўйича икки икки ва «кичи» тахтада ўйнавчи икки хотин-қиз ў спорт жамияти шарафини ҳимоя қилади. Улар орасида халқаро мастер республика чемпиони спартаччи С. Давидов, рус шашкиси бўйича Ўзбекистон чемпиони Ш. Шубов, С. Гуляев, «Меца» жамиятидан С. Борухов, М. Фозилов, Э. Пелосова, республиканинг бир икки бор чемпиони пахтакорчи Л. Хейф, мастерикиа номзодлар Э. Бобобкозова ва Э. Сафиналар бор.

#### НАИКА ЛЕФТЕРОВА.

## АФИОН ВА ҚОНУН

Америкалик Чарльз Веннер Марокканнинг Касабланка шаҳридан чиқишда афюн солигига 17 та шимшачани ютиб олган эди. Бу 30 минг долларнинг қимматга эга нарса эди. Бирок, Чарльз Балтиморга (АҚШ) келмайдан, омади келмай, касалхонага тушиб юлди. Врачлар беморнинг илвироти билан захарланганлигини аниқлашди. Маълум бўлишча, афюнотчининг ютиб юборган афюн солигига шимшачаларидан бири унинг қорнида синиб кетган экан. Бу вонеддан хабардор бўлган полиция Веннерни қамонга олмақчи бўлди. Бирок, Марилэнд штатининг қонунига биноан, наркотин билан захарланган ва

## «Е УЛИШ, Е ҚОЛИШ»...


Яқинда денгизчи Клифф Уотто Лондондаги Шекспир жамиятининг фахрий аъзоси қилиб қабул этилди. Денгизчи бунчалик из-зат-хурматга эриниб қизиб бир иш билан сазовор бўлди. У «Гамлет» трагедиясидаги «Е ўлиш, е қолиш» машҳур монологини бошдан оқирганча раингли яна билан ўйиб ёздирган экан. Монолог тексти Шекспир замонасига ҳес усулда турли манзаралар билан безаб чизилган. Бунинг илрган мисри аъзолари бир ороздан уни Шекспир жамиятининг фахрий аъзоси қилиб қабул қилишди.

Редактор М. КОРИЕВ.

## РЕСПУБЛИКА «УЗКУЛЬТОРТ» УЎЛГҮРЖИ БАЗАСИ

РЕСПУБЛИКАДАГИ САВДО ТАШКИЛОТЛАРИГА ВА ГРАЖДАНЛАРГА

## МОСКВАДАГИ 2-СОАТ ЗАВОДИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН «СЛАВА» ЭЛЕКТРОН-СОАТ БУДИЛЬНИКЛАРИНИ



## СОТИБ ОЛИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Будильник жуда аниқ юради, уни ҳар кунги бураб қўйиш шарт эмас, шунинг учун ундай фойдаланиш қулай. Будий соатлар ҳар хил рангда, замонавий чиройли корпусларда, турли хил цифрлатлар ва стрелкаларда ишлаб чиқарилади. Савдо ташкилотларининг вакиллари қуйидаги адресга учрашсинлар: Тошкент шаҳар, Радоств кўчаси, 5-уй, телефонлар: 91-39-90, 91-30-62.

## РЕСПУБЛИКА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

### ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИГА

#### ТИНГЛОВЧИЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов бўлимидаги ўрта мактабни 1971/72 ўқува йилида ва ундан олдин биттирганлар на-мида бир йил ишчи ёки колхозчи бўлиб ишлаганлар ҳамда Совет Армияси сафида ҳарбий хизматини ўтаб қайтганлар қабул қилинади. Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадлар: яра-ақ, иш жойидан йўллама (ҳарбий қисмда), сўзлик аттестати (асли), характеристика, 286-формадаги медицина спираси, 3х4 см, натадланди 6 дона фотосурат, меҳнат (қолқоқ) дафтари. Тингловчилар стипендия билан, бошча шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

#### ХУЖНАТЛАР — 25 ноябрга қабул қилинади.

Ушун мuddати — 1 декабрдан 1 августгача.

Муронав учун адрес: Тош. кент-110, Литературная кўчаси, 4-й.

#### ТАРҚАТАДИ

Шунингдек ташкилотлар ва норхоналардан ортинча ва фойдаланилмаган материаллар ҳамда ускуналарни тарқатиб бериш учун

#### КАБУЛ ҚИЛАДИ

Завяналар билан қуйидаги адресга муронав қилишини: Тошкент шаҳар ГСП, К. Пет-тия кўчаси, 66-уй, телефонлар: 33-28-23, 33-33-67.